Ўтган асрнинг йирик шахсларидан Алихонтўра Согуний казратлари ўткир зехн сохиби, тарих илмининг, айникса, Ислом тарихи ва Туркистон тарихининг зукко билимдонларидан эди. Сермазмун хаётининг охирги 30 йили давомида Согуний ёзиб колдирган улкан илмий мерос ичида «Туркистон кайгуси» тарихий асари алохида ўрин эгаллайди. Бу асарда у зотнинг йигитлик ва камолотга етган даври хотиралари асосида ўз эътикоди, дунёкараши, Ватанимиз тарихи сабоклари, кейинги авлодлар улардан кандай хулосалар чикармоги лозимлиги тўгрисида ўй-фикрлар ифодасини топтан. Куйида мазкур асардан айрим парчаларни эътиборингизга хавола этамиз.

«Ватаним мени суймас экан, мен уни севганлигимдан, улусим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан, Ватан устида бўлаётган тарихий ўзгаришларни ва хам бунинг келажакдаги яхши-ёмон натижаларини кўрсатиб, Ватан болаларига улгу (намуна) бўлгудек, бошкалар ундан ибрат олгудек тарихий бир асар ёзишга киришдим. Бирок, мен ёлгизгина исломпараст эмас эдим, балки яралишимдаёк инсонпараст эдим. Халкка кайси йўллик яхшилик кила олгайман деб, ёшлик-йигитлик даврларимни гам-гусса кунлари билан ўтказдим. Энди соч-соколим окариб, карилигим етди. Ёшим саксонга эришиб, ички-ташки кучларим оркага чекинди, карилик юки остида букула туриб, олдимизда кўрина бошлаган халокат чукури якинлашётганига чидаёлмай, келажак бўгин наслларимиз гамхўрлиги учун, хар ёклама кийинчиликлар бўлса хам, шу тарихни ёзишга бошладим. Каламим тилидан дардлик сўзларим конлик кўз ёшима кўшилиб, бу китоб вараклари юзига тўкилмиш эди. Шунинг учун бунинг отини « Туркистон кайгуси» кўйдим...

Агар маданият деб кўринишда ободон, хакикатда хароб, шу динсизлар, одоб-ахлоксизлар (яъни, Оврупо) маданиятини айтадиган бўлсак, улуг хато килган бўламиз. Чунки дунёдаги борлик нарсалар инсон турмушига ёрдам етказиш учун яратилмишдир. Бузук маданиятда эса, аксинча, инсонлар ул нарсалар учун курбон килинади. Маданият тараккиётининг илгари-кейин чикараётган бутун янгиликлари инсон хаётини яхшилаш учун хизмат килиши лозимдир. Хаёт оламида энг улуг, олий даражалик яратилган нарса, шубхасиз, шу инсондир. Шунинг учун инсон хукукларини энг юкори даражада саклаш хакикий маданиятнинг айрилмас тармогидир...

Агар кўлида шароит бўлатуриб, бир конуний мамлакатда ўз конуний хаккига эга бўлолмаганлар кишилик шарафидан ажраган, инсоният хаккини танимаган, одам суратлик хайвонлардир. Чунки шароити топилса хам, ўз хаккига етолмаслик эса ожизлик устига ишга ярамаслик демакдир. Бундай одамларни ўтган донишмандлар мисол келтириб, огзидаги нонини итга олдирган кўл-оёги сог, куроллик кишига ўхшатадилар.

Мана шунинг учун пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссалом умматларини тубандаги уч нарсадан бек (каттик) сакланишга буюрмишдир: ожизлик, кўркоклик, дангасалик. Шароити бўлатуриб, ўз хаккига эга бўла олмаган кишини арабчада «ожиз» дейилади. Киши нима нарсадан кўркса, шу нарса кўркувчи бошига бало бўлиб, анинг олдида маглубиятга учрайди. Кўркоклар кўп яхшиликдан курук коладилар. «Тани сог бўлса хам, бекорчи, дангаса одамлардан Худо безор», дедилар Пайгамбаримиз алайхиссалом. Яна

Пайгамбаримиз айтишларича, хар бир акли бор одамлар ўз холатларини текшириб туришлари, ўз замонасига тўлик, яхши тушунишлари, албатта, лозимдир».

Мухаммад Собир тайёрлади